



**Ижтимоий соҳа статистикаси бўлими тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Наманган вилоят статистика бошқармаси Ижтимоий соҳа статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.
2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Наманган вилоят статистика бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) тармоқ бўлими ҳисобланади.
3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президента фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси топшириклари, “Наманган вилоят статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.
4. Бўлим ижтимоий соҳа статистикаси масалалари бўйича фаолиятини Бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.
5. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи раҳбарлигига амалга оширади. Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлигининг ўринбосарига бўйсунади.

## **2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари**

**6. Куйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:**

*а) ижтимоий соҳа статистикаси бўйича ишлаб чиқилган ягона сиёсатни амалга оширишида, фаолиятни мувофиқлаштиришида, функционал тартибга солини соҳасида:*

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, бошқарманинг иш режаларини ўз вақтида шакллантирилишида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика тизимини ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг ижросини таъминлаш юзасидан жорий ва истиқбол режаларини тайёрлашда иштирок этиш;

статистика органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишида иштирок этиш;

статистик маълумотлар фойдаланувчилари талабини ўргангандан ҳолда узок муддатли мақсадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни жорий этиб бориш;

*б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқиши, тасдиқлаш ва жорий этиши соҳасида:*

вилоят, тармоқ ва худудий даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг қамровини кенгайтиришга қаратилган статистика маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашиинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йўли билан статистик кузатувлар тизимини умум қабул қилинган халқаро амалиётга янада мослаштириш бўйича ишларни ваколати доирасида амалга ошириш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича амалга ошириладиган давлат ва идоравий статистика кузатувлари тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, идоравий статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқиш ва келишиш чораларини кўриш;

ижтимоий соҳа статистикаси соҳасида шакллантириладиган ва тарқатиладиган статистик кўрсаткичлар таркибини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

*в) ижтимоий-иктисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўгрисидаги статистик ахборотларни йигиши, қайта ишлаш, тўплаш, саклаш,*

*умумлаштириши, таҳлил қилиши ва эълон қилиши соҳасида:*

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича Давлат статистика ишлари дастурини, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини, методологик ва ташкилий ишлар режа-жадвалларининг бажарилишини таъминлаш;

ижтимоий соҳа бўйича статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, сақлашнинг электрон тизимини такомиллаштириш;

ижтимоий соҳа статистикасига оид давлат статистика ҳисботларини электрон кўринишида, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғишни, рўйхатдан ўтказишларни, бир марталик ҳисобга олишларни, сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича вилоятдаги ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг дастлабки статистик таҳлилини олиб бориш;

хўжалик юритувчи субъектларга ижтимоий соҳа статистикаси бўйича ишончли давлат статистика ҳисботларини тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашишни таъминлаш;

умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ статистик маълумотлар тизимини яратиш ва ривожлантириш иштирок этиш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича статистика, ҳисбот кўрсаткичларининг ва ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва ҳолислигини, статистик ахборотларнинг қулайлиги, очик-ойдинлиги ва ошкоралигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга ошириш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича олинган статистика маълумотларининг махфийлигини, бирламчи ҳисбот маълумотларидан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки миқдор кўрсаткичларини расмий тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл кўймасликни, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ўз ваколати доирасида Бўлим фаолияти жараёнида олинган хизмат, банк, тижорат сирларини ва бошқа махфий маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни сақлашга ва ҳимоялашнинг тегишли тартибини таъминлаш;

г) белгиланган тартибда давлат органлари, юридик шахслар ва аҳолини статистика ахборотлари билан таъминлаш соҳасида:

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун ижтимоий соҳанинг ривожланиш тенденцияларини тавсифловчи таҳлилий маълумотлар ва докладлар тайёрлаш;

ижтимоий соҳа статистикасини тавсифловчи статистик ахборотларни тезкор ва сифатли тайёрлашни амалга ошириш;

Бўлим ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисидаги йиллик статистик ва таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

барча фойдаланувчиларга ижтимоий соҳа статистикаси бўйича очик статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятларни таъминлаш;

фойдаланувчиларга ижтимоий соҳа статистикасига оид статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборотлари масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

7. Бўлим ўз зиммасига юклangan вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастурини доимий равища тақомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича давлат статистика кузатувлари шаклларини тақомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди, идоравий статистик кузатувларни экспертизадан ўтказиш ва келишиш жараёнида иштирок этади;

Давлат статистика ишлари дастури ҳамда Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастуридаги ижтимоий соҳа статистикаси бўйича белгиланган ишларнинг тўлиқ ва муддатларида бажарилишини таъминлайди;

ижтимоий соҳа статистикасига оид статистика методологиясини расмий статистика тамойилларига, жамият эҳтиёжларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мос келишини таъминлайди;

бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари билан биргаликда ижтимоий соҳа статистикасига оид ахборотларни шакллантириш бўйича ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан, электрон шаклда келиб тушган мурожаатларнинг тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича, зарур ҳолларда жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари иштироқида, таклифлар тайёрлайди;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равища тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

Бошқарма раҳбариятининг топшириклари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан ижтимоий соҳа статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

шахар ва туман статистика бўлимлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга статистик классификаторлардан фойдаланган ҳолда ишончли давлат статистика ҳисоботларини тақдим этишда методик ёрдам кўрсатади ва маълумотлар сифатини назорат қиласади;

ижтимоий соҳа статистикаси соҳасидаги ижтимоий-иктисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғади, қайта ишлайди, умумлаштиради, дастлабки статистик таҳлилни амалга оширади ва эълон қиласди;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича кўрсаткичларнинг ишончлилиги, ҳолислигини ва комплекслилигини таъминлайди;

давлат органларини, юридик шахсларни ва аҳолини ижтимоий соҳа статистикасига оид статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлайди;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклатилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

### **3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуийидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда - уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) белгиланган тартибда давлат статистика хисботини олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

Бошқарма раҳбариятига ижтимоий соҳа статистикаси самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритиш;

давлат статистика кузатуви шаклларини ўзгартириш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини ўтказиш усуллари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари бўйича таклифлар бериш;

Бўлимнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарманинг тармоқ бўлимлари билан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиш;

Давлат статистика хисботлари қамрови тўлиқлигини таъминлаш, йиғиш ва қайта ишлаш муддатларини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

ижтимоий соҳа статистикасига оид олинаётган маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ҳолисоналигини экспертизадан ўтказиш;

ижтимоий соҳа статистикаси соҳасидаги давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш ва йиғма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йигилишларда иштирок этиш;

9. Бўлим қуидагилар учун жавоб беради:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш; ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илгор халқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-хуқукий хужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

#### **4-боб. Бўлимнинг тузилмаси**

10. Бўлим тузилмаси Бўлим бошлиғи, бош ва 1-тоифали мутахассислар киради.

11. Бўлим фаолиятига Бўлим бошлиғи раҳбарлик қиласи.

12. Бўлим бошлиғи ва мутахассислари бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Ижтимоий соҳа статистикаси бўлими қуидагиларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган тартибда ва муддатларда йиллик таҳлилий ахборотлар, ҳисботларни тайёрлаш, чоп этиш ва фойдаланувчиларга етказиш;

бошқарманинг тегишли бўлимлари билан биргаликда ижтимоий соҳанинг долзарб масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида пресс-релиизлар ва мақолалар тайёрлаш, ҳисбот даври учун вилоятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тавсифловчи таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

вилоят ва ҳудудларнинг ижтимоий соҳада эришаётган ютуклари ва жамият томонидан кўпроқ талаб қилинаётган статистик маълумотларни бошқарманинг расмий веб сайтида жойлаштириб бориш, улар бўйича диаграмма ва графиклар тайёрлаш амалиётини кенгайтириш;

статистик маълумотларни чоп этишда кўрсаткичларни намойиш қилишнинг илғор тажрибаларни (тоифалаштирилган графиклар, маълумотлар қамровини кенгайтириш, инфографика ва бошқалар) тадбиқ этиш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича жамланма таҳлилий жадваллар, маърузалар, ҳисботлар учун маълумотлар тайёрлаш.

Статистик кузатувлар тизимини нотижорат ташкилотлар фаолияти, маданият, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва инновация соҳаларини қамраб олишни кенгайтиришга қаратилган статистик маълумотларни йигиш, қайта

ишлашнинг замонавий методологиялари ва методларини кенг жорий этиш ва амалиётга янада мувофиқлаштириш ҳамда Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган тартибда ва муддатларда йиғиш, қайта ишлаш, саклаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

нотижорат ташкилотлари фаолияти, маданият, туризм, таълим, соғлиқни саклаш, фан ва инновация соҳаларида статистик кузатувларни олиб бориш бўйича статистик кузатув шакллари ва жамланма таҳлилий жадваллар макетлари, кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиятлари, маълумотларни қайта ишлаш бўйича вазифаларни ташкил этиш, қабул қилинган услубий хужжатларни амалиётда кўлланилишини таъминлаш;

вазирлик ва идораларга идоравий статистика ҳисботларини йиғишида, қайта ишлашда, маълумотларни таҳлил қилишда услубий ёрдам кўрсатиш;

шаҳар ва туман статистика бўлимлари томонидан, нотижорат ташкилотлари фаолияти, маданият, туризм, таълим, соғлиқни саклаш, фан ва инновация соҳалари статистикасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш.

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, нотижорат ташкилотлари фаолияти, маданият, туризм, таълим, соғлиқни саклаш, фан ва инновация соҳалари статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиши.

#### **4-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш**

14. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ти қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси топшириқлари, “Наманган вилоят статистика бошқармаси тўғрисида”ти Низом, ушбу Низом, бошқарма бошлиғи буйруклари ва топшириқлари, шунингдек Бошқарманинг иш режалари, Бўлимнинг иш режалари ва Бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган бошқарманинг иш режалари асосида шакллантирилади, бошқарма бошлигининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлигининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

## **15. Бўлим бошлиғи:**

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассисларнинг ишини ташкил қиласди, Бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлигининг ўринбосарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бошқарманинг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек бошқарма раҳбариятининг топшириғига биноан Бўлим тасарруфига киравчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гуруҳлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

давлат статистикаси соҳасида норматив ва методологик ҳужжатларни ва давлат статистика кузатувлари шакллари лойиҳаларини эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишида иштирок этади;

Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, кўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича йиғма таҳлилий ахборотларни шакллантириш, нотижорат ташкилотлари фаолияти, маданият, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва инновация соҳаларида статистик кузатувлар бўйича бошқарманинг тармоқ ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари раҳбарлари ва мутахассисларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатади;

Бошқарманинг ва Бўлимнинг жорий ва истиқболига режаларига мувофиқ Бўлим ваколатига киравчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишида, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари заҳирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар заҳирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишини таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йигилишлар ўтказади;

иш юритишни олиб бориш, топширикларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилади, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

16. Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бўлим бош мутахассиси бажаради.

**17. Бўлим бош мутахассиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириклидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича бошқарма ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларининг таклифларини умумлаштиради;

амалдаги статистика методологиясини такомиллаштириш ва статистик инструментарийни тайёрлаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

тегишли функционал масалалар бўйича статистик инструментарийнинг (ҳужжатлар, кузатув шакллари, таснифлагичлар, метамаълумотлар ва ҳ.к.) тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг юритилишини, уларнинг доимий равища тўлдирилишини ва янгиланишини таъминлайди;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича бошқарманинг тармок ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

шаҳар ва туман статистика бўлимлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

бўлим бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

касбий малака даражасини тизимли равища ошириб боради;

жамоанинг меҳнат фаолиятига фаол иштирок этади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## 18. 1-тоифали мутахассиси:

давлат статистика ҳисобот шакларини маълумотларини йиғиш, умумлаштириш таҳлил этишда иштирок этади;

Наманган вилояти маъмурий-худудий бўлинмаларида содир бўладиган ўзгаришларни йил давомида таҳлил қилиб боришда иштирок этади;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича динамик қаторларни юритади;

ижтимоий соҳа статистикасига оид дастлабки маълумотларни йигади, таҳлил этади ва умумлаштиради;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича статистик тўпламлар учун маълумотлар тайёрлашда иштирок этади;

замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда, иқтисодий-математик усулларда ижтимоий соҳа статистикасига оид кўрсаткичларни доимий равишда мантиқий таҳлил қилишда иштирок этади;

фойдаланувчиларнинг ижтимоий соҳа статистикаси соҳасидаги маълумотларга бўлган талабига мувофиқ, илгор тажрибани ўргананишда, умумлаштиришда ва тарқатишда иштирок этади;

раҳбарият топшириқлари ижросини таъминлайди.

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

